

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2018 —
апрель

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Ҳ.ҚОСИМОВ, Б.ТИЛЛАБАЕВ

Аралаш каср тартибли интеграллар ва ҳосилалар..... 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

Д.ЮСУПОВА

“Кейс-стади” методини физика фанига қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари..... 12

КИМЁ

М.НУРМАТОВА, С.РАШИДОВА, Д.РАШИДОВА

Пектиннинг полиметаллокомплексларини пахта уруғларининг ўсиши ва ривожланишига таъсири 17

М.ИМОМОВА, Б.АБДУҒАНИЕВ

Мотор мойлари таҳлилининг такомиллашган усуллари..... 20

Н.ТўЛАКОВ, И.АСҚАРОВ, Ю.ИСАЕВ

1`-(п-оксифенил)ферроценкарбон кислота синтези 28

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

М.ШЕРМАТОВ, Э.БОТИРОВ

Анжир парвонаси (Choreutis nemorana Hb.)нинг биологияси 32

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

Д.ҚУДБИЕВ, А.ТОШПЎЛАТОВ

Ишчи кучи баҳоси, даромад солиғи ва бандликнинг долзарб масалалари..... 35

М.АБДУРАХМОНОВА, Б.ТОЛИБОВ

Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари 38

ТАРИХ

У.МЕЛИҚЎЗИЕВ, С.ЮЛДАШЕВ

Сипоҳсолор Бакр Фарғоний 43

Н.ҲАМАЕВ

“Туркистон” ва “Қизил байроқ” газеталари - Фарғонада шўро тузумига қарши қуролли ҳаракат тарихига оид манба сифатида 46

А.НИШОНОВ

Султон Саидхон ҳукмронлиги даврида Фарғона водийси 50

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

И.АРЗИМАТОВА, Б.РАХМОНОВ

Фуқаролик жамияти шароитида шахсни эстетик тарбиялаш масалалари 53

Ф.ЮЛДАШЕВ

Жамиятда ёшлар фаоллигини юксалтиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари..... 56

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.ҚУРОНОВ

Драматик асар композицияси 59

С.РАФИДДИНОВ, И.МАННОПОВ

Ўзбек мумтоз адабиётида ҳикматнавислик анъанаси 66

Б.МУХТОРАЛИЕВ

Болалар ички олами талқинида фольклорнинг ўрни (А.Обиджоннинг “Кезаргон бойчечак” қиссаси мисолида) 69

УДК: 94+950

СУЛТОН САИДХОН ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА ФАРҒОНА ВОДИЙСИ

А.Нишонов

Аннотация

Ушбу мақолада Фарғона ташкил топган Султон Саидхон давлатининг тугатилиши ва водийда Шайбонийлар ҳукмронлигининг тўлиқ ўрнатилиши масаласи тарихий манбалар асосида тадқиқ этилган.

Аннотация

В данной статье на основе исторических источников исследуются вопросы ликвидации государства Султана Саидхана в Фергане и полное установление в долине власти Шейбанидов.

Annotation

In this article on the base of historical sources the issues of the ending of the state of Sultan Sayidkhan in Fergana valley and final establishment of power of Sheybanyds dynasty are researched.

Калит сўз ва иборалар: Фарғона водийси, Султон Саидхон, Бобур, “Бобурнома”, Севинчхожаҳон, “Тарихий Рашидий”, Қосимхон, “Оштин қозоқ”.

Ключевые слова и выражения: Ферганская долина, Султан Саидхан, Бабур, “Бабурнаме”, Севинчходжахон, “Тарихи Рашиди”, Касымхан, “Аштын казах”.

Keywords and expressions: Fergana valley, Sultan Sayidkhan, Babur, “Baburname”, Sevinchkhodjakhon, “Tarixi Rashidiy”, Kasymkhan, “Ashtyn kazakh”.

Шайбонийхоннинг Марв шаҳри ёнидаги ҳалокати Мовароуннаҳрдаги кучлар нисбатини кескин ўзгартириб юборди. Ушбу ўзгаришлар Мовароуннаҳда Бобур мирзо ҳукмронлигининг ўрнатилишига олиб келди. Фарғона водийсида эса Темурийлар сулоласи тарафдорларининг бош кўтариши, уларнинг мўғул ҳарбийлари томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида Султон Саидхоннинг ҳукмронлиги ўрнатилди. Султон Саидхоннинг Фарғона водийсида шайбонийларга қарши курашини бошқариш учун Бобур мирзо томонидан юборилганлиги ҳам эътиборга моликдир. Фарғонада ташкил топган Султон Саидхон давлати Самарқанд ҳукмдори Бобур мирзонинг олий ҳокимиятини тан олган эди. Ҳайдар мирзо ҳам Султон Саидхон Фарғона водийсида мустаҳкамланиб олгач, водийдаги шайбонийларга қарши курашнинг ташкилотчиси Саид Муҳаммад мирзони Самарқандга Бобур мирзо ҳузурига элчи қилиб юборганлигини қайд этган. Муаллифнинг сўзига қараганда, элчилик 1511-1512- йилларнинг қиш фаслида амалга ошган бўлиб, унда муҳим давлат ишлари ҳал этилган. Бу давлат ишларининг асосийси шайбонийларга қарши биргаликда курашни давом эттириш масаласи эканлигини мулоҳаза қилиш мумкин. Бобур мирзо ҳам ўз асари – “Бобурнома”да бу элчилик ҳақида эслаб ўтади.

1512 йилнинг баҳорида шайбоний султонлар Бухоро ва Тошкент шаҳарлари томон юриш бошлайдилар. Бобур мирзо ўзи қўшинининг бир қисми билан Бухоро томон йўлга чиқаркан, амир Қосим кўҳбур

раҳбарлигидаги яна бир лашкарни Тошкентни ҳимоя қилиш учун жўнатади. Лекин Бухоро шаҳрининг ғарбидаги **Кўли Малик жангида** Бобур мирзо қўшини тўлиқ мағлубиятга учрайди. Бобур мирзо дастлаб Самарқандга, у ердан эса Ҳисорга чекинишга қарор қилади. Тарихий манбаларда бу воқеаларда Фарғона водийси ҳокими Султон Саидхоннинг қай даражада иштирок этганлиги хусусида маълумотлар мавжуд эмас. Тошкент шаҳри аҳолисининг амир Қосим кўҳбур раҳбарлигида олиб борган мудофаа жанглари батафсил ҳикоя қилган “Тарихий Рашидий” асарининг муаллифи Ҳайдар мирзо шаҳар ҳимоячиларига Султон Саидхон томонидан ёрдам берилганлиги ҳақида маълумот бермайди. Бундан кўринадики, Султон Саидхон ушбу воқеаларни кузатиш билан чекланган. Бу эса унинг энг катта хатоси бўлиб, кейинчалик ўз давлатини емирилишига ҳам олиб келган. Тошкент ҳимоячилари ноиложликдан шаҳарни ташлаб чиқиб, Фарғона водийсига чекинишади. Улар Султон Саидхон саройида узоқ қолмасдан, Ҳисорда ўз кучларини қайтадан жамлаётган Бобур мирзо ҳузурига боришни маъқул кўришган.

Тошкентни эгаллаган шайбонийлар ўз юришларини Фарғона водийси томон давом эттиришлари қўтилган эди. Лекин баъзи воқеалар бунга имкон бермаган. Биринчидан, Бобур мирзо томонидан Сайрам шаҳри ҳокими этиб тайинланган амир Каттабек 1513 йилнинг баҳорига қадар қалъани шайбонийларга топширмай, ўз қўлида сақлаб қолади. Гарчи шайбоний султонлар Тошкент шаҳрини қўлга киритган бўлсалар-да,

А.Нишонов – ФарДУ тарих кафедраси ўқитувчиси.

ТАРИХ

ўз ортларида Сайрамни қолдирган ҳолда водийга бостириб киришлари амри маҳол эди. Иккинчидан, бу вақтда Ҳисорда ўзини анчагина тиклаб олган Бобур мирзо Шоҳ Исмоил юборган ёрдамга таяниб яна бир бор шайбонийларга қарши юриш бошлаши кутилаётган эди. Бундай шароитда Тошкентни забт этган шайбонийлар қўшини вазиятни қандай ривожланишини кутишга мажбур бўлди.

Бобур мирзо лашкарининг эронлик саркарда амир Нажм соний қўшини билан биргаликдаги юришига қарши курашган шайбоний султонлар сафида Тошкент шаҳрини забт этган Севинчхожахон номи қайд этилмайди. Бу эса бошқа тарихий манбаларда келтирилмаган бўлса-да, “Тарихий Рашидий”даги маълумот асосли эканлигини кўрсатади. Яъни Ҳайдар мирзо бу вақтда Султон Саидхон Севинчхожахон устига юриш қилганлигини тўғри қайд этган бўлиб чиқади.

Султон Саидхон Тошкентни эгаллаган шайбонийлар қўшинининг тўхтаб қолганлигидан дадилланганлиги сабабли ҳамда Бобур мирзонинг талабига кўра шайбонийларга қарши юриш бошлаган. Бобур мирзо Ҳисорда турган вақтда ҳам Султон Саидхон билан элчилар алмашиб турганлиги манбаларда қайд этилган. Шу сабабли Фарғона қўшинининг шайбонийларга қарши юришини ўзаро келишиб, амалга оширилган дейиш мумкин.

“Тарихий Рашидий”да ёзилишича, Султон Саидхон лашкари билан Севинчхожахон қўшини ўртасидаги жанг Бисканд мавзеида бўлиб ўтган. Бу ҳозирги Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган Пискент шаҳри бўлиши керак. Чунки, ўша давр тарихий манбаларидан бири “Бобурнома”нинг турли нусхаларида бу мавзенинг номи Пискент ва Бешкент, таржималарида эса Бисканд тарзида ҳам келтирилганлиги маълум. Шунингдек, Бисканд мавзеи ҳам жанг бўлиб ўтган ҳудудга мантиқан тўғри келади. Бундай ҳолатда Султон Саидхон Тошкент воҳасига доvon орқали эмас, балки Хўжанд шаҳри орқали кириб борганлиги ҳақида хулоса қилишимиз мумкин.

Бисканд жангида Шайбонийлар ғалаба қозонадилар. Жангда яраланган Султон Саидхон ўз қўшини билан водийга қайтади ва Бобур мирзо томонидан олиб борилаётган жангларнинг натижасини кутишга мажбур бўлади. Бисканд жанги 1512 йилнинг сентябрь ойида ёки ундан биров аввал бўлиб ўтган. Чунки айнан шу санада Султон Саидхон ҳузурига келган Ҳайдар мирзо унинг Бисканд жангидан қайтиб келганлигини таъкидлаган эди.

Севинчхожахон ҳам Султон Саидхонни таъқиб этиб, водийга бостириб кирмайди. Бунга юқорида таъкидлаганимиздек, Сайрамнинг ҳамон забт этилмаганлиги ва Бобур мирзони Қарши воҳасидаги жанговар ҳаракатлари сабаб бўлган бўлиши керак.

1512 йилнинг 12 ноябрь куни эса Бобур мирзо ва эронлик саркарда Нажм соний лашкари Ғиждувон шаҳри ёнида шайбонийлар томонидан тўла мағлуб этилади [10]. Айнан мана шу мағлубият Фарғона водийсидаги Султон Саидхон давлати тақдирини ҳам белгилаб беради. Ғиждувондан яна Ҳисорга чекинган Бобур мирзо кўп ўтмай Қобулга қайтиб кетади. Бу эса унинг Мовароуннаҳрдан бутунлай воз кечганлигини билдирар эди.

Бундай вазиятда Султон Саидхон имкон қадар ўз давлатини сақлаб қолишга интилади. Унга ташқи сиёсий вазият ҳам бирмунча қўл келганлигини таъкидлаш жоиз. Шоҳ Исмоилнинг амир Нажм соний ҳалокати учун қасос олишидан чўчиган шайбонийлар ўз лашкарларининг асосий қисмини Эрон билан чегараларда сақлашга мажбур бўлишди. Шунингдек, 1513 йилнинг баҳорига қадар Сайрамни ўз қўлида сақлаб турган амир Каттабек уни шайбонийларга эмас, балки уларнинг ашаддий рақиби қозоқ хони Қосимхонга топширди. Натижада қозоқлар шайбонийларнинг Туркистон ва Тошкентдаги мулкларига жиддий хавф сола бошладилар.

Лекин бундан аввал, яъни Бобур мирзонинг мағлубиятидан кейин Севинчхожахон Фарғона водийсига юриш бошлайди. Ҳайдар мирзо Севинчхожахоннинг бу юриши Бисканд жангидан уч ой ўтгач содир бўлганлигини таъкидлаганидан келиб чиқса, мазкур юришга 1512 йилнинг ноябрь ойининг охири ва декабрь ойи санасини белгилашимиз мумкин. Севинчхожахон бу ҳарбий юриши ўз ниҳоясига етмайди. Бунга кўпроқ Султон Саидхон томонидан амалга оширилган мудофаа режаси сабаб бўлган. У Ахсида Мир Ғўри Барлос, Марғилонда Мир Доим Али, Андижонда Саид Муҳаммад бошчилигида қўшин қолдириб, ўзи Андижон шимолидаги тоғларга чекинади. Қиш бошланаётган ҳамда шимолдаги вазиятнинг кескинлиги сақланиб турган бир вақтда водий шаҳарларини қамал қилишни мақсадга мувофиқ эмас, деб топган Севинчхожахон юришни тўхтатиб, қайтиб кетишга мажбур бўлади.

Бундан фойдаланган Султон Саидхон ҳам ҳужумкор сиёсат юритишга ҳам жазм этди. У 1513 йилнинг баҳорига Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманига ҳужум қилади. Фарғона қўшини бир неча майда жанглардаги ғалабаларга эришади. Ҳайдар мирзо ушбу

юришда шахсан ўзи иштирок этганлигини таъкидлаб, жанглarda Султон Саидхоннинг алоҳида қаҳрамонликлар кўрсатганлигини ҳам қайд этган. Фарғона қўшини ҳам Тошкентга боришга журъат этмай, катта ўлжалар билан водийга қайтиб кетган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, 1513 йилнинг баҳорида Сайрамга эга бўлиб олган қозоқ хони Қосимхон, бироз вақт ўтгач Сайрамни ўзига инъом этган амир Каттабекнинг илтимосига кўра Тошкент шаҳри томон ҳам юриш бошлайди. Гарчи у Тошкент шаҳрини забт этмаган бўлса ҳам Севинчхожахонни бир муддат қамал қилиб, атрофни талон-торож қилгач, қозоқ даштлари томон қайтади.

Қосимхоннинг Тошкент юришидан хабар топган Султон Саидхон яна бир бор Севинчхожахон устига юриш бошлайди. Фарғона қўшини Тошкент воҳаси ва Фарғона водийси ўртасидаги Кандирлик довонига етиб келган вақтда Қосимхоннинг қайтиб кетганлиги ҳақида хабар етиб келади. Натижада Султон Саидхон ҳам юришни тўхтатишга қарор қилади.

1513 йилнинг ёзида Султон Саидхон Фарғона водийси қалъаларини мустаҳкамлаб, ўзи Мўғулистон орқали Қосимхон ҳузурига йўл олади. Академик В.В. Бартольд Қосимхон ва Султон Саидхоннинг учрашуви 1513 йилнинг кузида Чу дарёси бўйида бўлиб ўтганлигини таъкидлаган. Лекин унинг Қосимхон билан олиб борган музокаралари натижасиз тугайди. Қозоқ хони шайбонийларга қарши юриш қилишга розилик бермайди. Бу ҳақда Ҳайдар мирзо қуйидагиларни баён қилади: “Ёз охирлаган эди. Қосимхоннинг буйруғи билан қозоқлар қишлоғга кўчишди. “Ҳозир Шайбонга қарши юриш қилиш қийин. Ҳозирги кунда одамлар қишнинг ғамини еганлари маъқул. Бу пайтда лашкар тўпланмайди”, деди Қосимхон.

Шу тахлит у мулоимлик билан юришни рад этди. Аммо Қосимхон хоннинг ҳурматини беҳад жойига қўйиб кузатди ва туғилиб ўсган маконига кўчди. Хон унинг ёнидан мамнун ҳолда қайтди ва Андижонга кетди. Сарой олимларидан бири бу воқеага “Оштин қозоқ” (“Қозоқлар билан сулҳ”) сўзларига таърих тузди, ўша сўздаги ҳарфлар йиғиндиси 919 (1513-1514) йилни англатади.”

Қосимхон ёрдам беришни рад этгач, Султон Саидхон шайбоний султонлар қаршилигини енгишга бўлган ишончини буткул йўқотади. 1514 йилнинг апрель-май ойларида Тошкент ҳокими Севинчхожахон бошчилигидаги шайбонийлар лашкари Фарғона водийси томон юриш бошлайди. Султон Саидхон эса қаршилик кўрсатишдан воз кечиб, водийни жангсиз тарк этади. Қошгарга чекинган Султон Саидхон у ерда Саидия давлатига асос солади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, 1511 йили Фарғона водийсида шайбонийларга қарши кураш натижасида ташкил топган Султон Саидхон давлати 1514 йилга қадар, яъни тўлиқ уч йил ўз мавжудлигини сақлаб турди. Унинг ташкил топиши Шайбонийхоннинг ҳалокати ва Бобур мирзонинг Мовароуннаҳрни шайбонийлардан қайтариб олиш ҳаракатлари билан боғлиқ эди. Бу давлатнинг ҳалокати ҳам Бобур мирзонинг Ғиждувондаги мағлубияти натижасида юзага келди. Гарчи Султон Саидхоннинг Фарғона давлати Бобур мирзо Мовароуннаҳрни тарк этганидан кейин ҳам яна икки йил яшаган бўлса-да, бу, асосан, ташқи сиёсий вазият билан боғлиқ эди. Шайбонийлар давлатига шимолдан қозоқ хони Қосимхоннинг, жанубдан Эрон шоҳи Исмоилнинг таъсирини йўқолиб бориши Фарғона водийсини ҳам шайбонийлар давлати таркибига тинч йўл билан киришига олиб келди.

Адабиётлар:

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989.
2. Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарих-и Рашиди // Введение, перевод с персидского А. Урунбаева, Р.П. Джалиловой, Л.М. Епифановой, примечания и указатели Р.П. Джалиловой и Л.М. Епифановой – Т.: Фан, 1996; Муҳаммад Ҳайдар Мирзо Тарихи Рашидий // Сўз боши ва изоҳлар муаллифи ҳамда таржимонлар В. Раҳмонов ва Я. Эгамова – Т.: Шарқ, 2010.
3. Муҳаммадёр ибн Араб Қатаған. Мусаххир ал-билод / Форс тилидан таржима, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифлари: Исмоил Бекжонов, Дилором Сангирова – Т.: Янги аср авлоди, 2009.
4. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдуллонома/ Форс тилидан С. Мирзаев таржимаси, илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи академик Б. Аҳмедов – Т.: Шарқ, 1999.
5. Ғиёсиддин бин Ҳумоиддин Хондамир. Буюклик хислати. “Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар” – “Башар аҳли сийратидин хабар берувчи дўст” китобининг Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ҳақидаги боблари // Форс тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи Исмоил Бекжон. – Т.: Шарқ, 2011.
6. Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья – Ф.: Киргизгосиздат, 1943.

(Тақризчи: М.Исомиддинов, тарих фанлари доктори, профессор).